

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАКОВА НОДИРА АЗЗАМОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИГА КИРИБ КЕЛГАН
ХОРИЖИЙ СЎЗЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ-МАЗМУНИЙ ТАҲЛИЛИ
(“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида)**

**10.00.06- “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик”**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Исакова Нодира Аззамовна

Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзларнинг таркибий-мазмуний таҳлили (“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида) ... 3

Исакова Нодира Аззамовна

Структурно-семантический анализ иностранных заимствований в узбекском языке в годы независимости (на материалах газеты “Халк сузи”) 25

Isakova Nodira Azzamovna

Structural-semantic analysis of foreign borrowings in the Uzbek language during independence years (on the examples of newspaper “Khalq suzi”) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАКОВА НОДИРА АЗЗАМОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИГА КИРИБ КЕЛГАН
ХОРИЖИЙ СЎЗЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ-МАЗМУНИЙ ТАҲЛИЛИ
(“Халқ сўзи” газетаси материаллари асосида)**

**10.00.06- “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик”**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.3.PhD/Fil585 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.samdchti.uz/>) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Бекпулат Умуркулов
филология фанлари доктори, профессор

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» август соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-37. Факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80506 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «19» июль даги 25 рақамли реестр баённомаси)



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, педагогика фанлари доктори,
профессор

Ш.С.Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошиби, филология фанлари номзоди,
доцент

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги бугунги кунда тилнинг жамиятда, турли халқлар ҳаётидаги функционал жиҳатларини ўрганишга, унинг психолингвистик, лингвокогнитив, лингвомаданий ва социолингвистик масалаларига асосий эътиборни қаратганлиги билан характерланади. Бу ўз навбатида дунё тиллари қатламларида содир бўладиган ўзаро алоқаларни таъминлашга иштирок этадиган қонуниятларни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Тил луғат таркибининг мунтазам равишда бойиб бориши унинг табиати, кўлами, унга таъсир этувчи омилларнинг роли ва шу каби муаммоларни англаб етиш ва уларга илмий жиҳатдан асосланган ечим топиш заруратини туғдиради. Чет тил сўзларининг ўзлаштирилиш имкониятлари лексикология, лексикография, стилистика, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик сингари йўналишларнинг асосий мавзусига айланди. Айниқса, оммавий ахборот тизими, хусусан, газета матнларига хос ўзлашма лисоний бирликларнинг лингвопрагматик жиҳатларини кўриб чиқиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнида дунёнинг етакчи илмий марказларида ўзлашмалар тизими доирасида юзага келадиган ҳодисаларга кенг миқёсда эътибор қаратилиб, тилларо ва маданиятларо мулоқотларда фаоллашадиган, сўз ўзлаштириш жараёнларида намоён бўладиган омиллар таснифи, иқтисодий интеграцияга интилиш, янги технологик кашфиётлар, интернетнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ турли соҳаларда юзага келадиган ўзлашмаларнинг таснифий кўрсаткичларини ажратиш, неологизмлар ва интернационализмлар таҳлилининг назарий-методологик тамойилларини белгилаш ҳамда ўзлашма шакллар танловини лисоний-маданий ва миллий менталитет нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тобора долзарблашиб бормоқда. Тилшуносликда келиб чиқиши жиҳатидан умумий бўлган тил бирликларининг семантик таркибида айрим фарқланишларнинг пайдо бўлиш сабаб ва оқибатларини очиб беришга доир янги қарашларнинг юзага келиши, сўзларнинг семантик структурасида содир бўладиган ўзгаришлар табиатини қиёсий типологик жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш мақсади мазкур тадқиқот мавзу ва йўналишининг жаҳон тилшунослиги анъаналари билан узвийлигини белгилайди.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида ўзбек тилшунослиги фанида тил луғат таркибининг бойиш йўллари замонавий тамойиллар асосидаги тадқиқи бўйича жаҳон фанида бўлган илғор ғояларни ижодий ўзлаштириш тажрибаси шаклланимоқда. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹лиги тилшунослик соҳасидаги изланишларни назарий ва амалий жиҳатдан янада юқори босқичга кўтариш лозимлигини кўрсатди. Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан ҳар томонлама

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь: № 258 (6952).

хамкорлигининг янги босқичга кўтарилиши хорижий тиллар бирликлари, хусусан, ўзлашмалар тадқиқи ва таълимини муайян тил соҳибларининг маданияти, менталитети, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашидаги ўзига хослик асосида ўрганиш заруратини туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чет тиллардан ўзлашмалар ўзлаштирувчи тилнинг луғат таркибини бойтадиган манбалардан бири сифатида анъанавий тарзда лексикология, лексикография, стилистика, социолингвистика, нутқ маданияти каби фанлар доирасида тадқиқ этилган. Бунда ўзлаштирилган лисоний бирликлар таснифи умумназарий нуқтаи назардан кўриб чиқилган² ёки уларнинг генетик манбалари аниқланган³.

² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами– Тошкент: Фан, 1988. – С. 140.; Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -264 б.; Арбекова Т. И. Лексикология английского языка (Практический курс): учебное пособие для II-III курсов ин-тов и фак. ин. яз-в / Т. И. Арбекова. - М. : Высшая школа, 1977. - 239 с.

³ Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 104 б.

Лексикологлар асосий эътиборни сўз ўзлаштириш билан боғлиқ терминологик аппаратни аниқлаштириш муаммосига қаратганлар⁴. Шу билан бир қаторда, “ўзлашма” тушунчасининг кўлами ва мазмуни, ўзлаштириш сабаблари, олиб кириладиган birlikларнинг турлари, ўзлаштирувчи тилда лексемаларнинг ассимиляцияси, мослашув белгиларини ойдинлаштириш масалалари ҳам тадқиқотчилар эътиборини доимо жалб қилиб келган⁵.

Ўзбек тилининг луғат бойлигини ўрганишга бағишланган аксарият тадқиқотларда араб, форс-тожик, мўғул, уйғур, туркий тиллараро муносабат, ўзбек ва рус тиллари лексикасига хос бўлган ўзлашмалар таҳлил ва тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида глобал илмий-техник прогресс, оммавий ахборот мулоқотининг ривожланиши, интернет тармоқларининг кашф этилиши, жамият ҳаёти суръатининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда тилимизга кириб келган ўзлашмалар газета материаллари асосида таҳлилга тортилмаган.

Хорижий илм муассасаларида энг катта эътибор ўзлашмаларнинг таснифий белгиларини аниқлаш ва уларнинг функционал-семантик хусусиятлари ҳамда ўзлаштира лисоний birlikлар тизимининг шаклланишида миллий ва хорижий элементларнинг нисбатини ўрганишга қаратилиб келинмоқда⁶. Шу жумладан, хорижий тил ўзлашмаларини чоғиштирма усулда таҳлил қилиш анъанаси шаклланмоқда⁷.

XX аср охири ва XXI асрда яратилган замонавий кашфиётларни номловчи лексик birlikларнинг ўзбек тилида намоён бўладиган хусусиятлари ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган⁸. Лекин ушбу турдаги ўзлашмаларнинг ўзбек тили ва маданиятига хос лисоний-маданий жиҳатлари, уларнинг қўлланишига замин яратувчи этнопрагматик омиллар қаторини белгилашга оид муаммолар муҳокамаси зарурати мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университети “Ўзбек тили birlikларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мустақиллик йилларида “Халқ сўзи” газетасида қўлланилаётган хорижий ўзлашмаларни таркибий-мазмуний

⁴ Назаров П.Ж. Ўзбек тилига ўзлашган сўзлар хусусида//Хорижий филология №4, 2019. – 54-58 б.

⁵ Мадвалиев А. Ўзбек терминологиясида дублетлик масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. - № 3. – 20-24 б.; Қосимов Н. Ўзбек техникавий терминологиясида синонимлик ва уни бартараф этиш йўллари

⁶ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар (маъсул муҳаррир Р. Дониёров). – Тошкент: Фан, 1986. – 63-79 б.; Крысин Л. П. Иноязычное слово в контексте современной общественной жизни // РЯШ, 1994. № 6. 56-63 с.; Реформатский А. А. Введение в языковедение / Под ред. В. А. Виноградова. М. Аспект Пресс, 1996. - 536 с.; Шигина С.Ю. Заимствованная лексика на рубеже веков. - Владикавказ: Изд-во РИО, 2001. - 103 с.

⁷ Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2003. – с.160.

⁸ Дадабоев Х. Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сифат-терминлар // “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истикболлари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари.– Тошкент, 2016. – 193-199 б.

нуқтаи назаридан очиб бериш ва ўзбек тилига таржима қилиш усуллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тил луғат таркибининг бойиш назарияси доирасида ўзга тилдан сўз олиш муаммосини ўрганиш, сўз олиш ҳодисасига хос *ўзлашма* ва *ўзлаштирма* тушунчаларининг моҳиятини ёритишга хизмат қиладиган атамаларнинг функционал-семантик имкониятларини белгилаш;

ўзлашган сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш тамойилларини аниқлаш;

бевосита ва билвосита ўзлашган луғавий бирликлар ҳамда уларнинг тилга сингиб кетишининг лисоний жиҳатларини очиб бериш;

“Халқ сўзи” газетасида қўлланган ўзлашмалардан фойдаланиш сабабларини далиллаш, уларнинг генетик асоси ва концептуал мазмунини ўрганиш;

“Халқ сўзи” газетасида қўлланган янги чет тил атамаларининг таркибий - мазмуний хусусиятлари ва ясаиш тамойилларини мавзуий гуруҳлар асосида изоҳлаш;

ўрганилаётган газета матнларида қўлланган янги ўзлашмаларни таржима қилиш учун зарур бўлган функционал-семантик хусусиятларни фарқлаш ва таржима муқобиллигини таъминлайдиган усулларни тизимлаштириш.

Тадқиқотнинг объектини Мустақиллик йилларида “Халқ сўзи” газетасида қўлланилиб келаётган турли соҳаларга оид лисоний бирликлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини “Халқ сўзи” газетасида қўлланган таркибий ва мазмуний ҳамда таржима хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда компонент таҳлил, таснифий таҳлил, структур таҳлил, қиёслаш ва мантикий умумлаштириш, статистик таҳлил, шунингдек, лингвистик тавсифлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўзга ташланади:

ўзга тилдан сўз олишда кузатиладиган функционал-семантик ва этнопрагматик хусусиятлари аниқланган ҳамда ушбу тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиладиган лингвистик атамаларнинг вербал ва новербал жиҳатига кўра фарқланиши очиб берилган;

ўзбек тилига кириб келган хорижий луғавий бирликларнинг тилга сингиб кетиш ва ўзлаштирилиш даври кўлам ва мазмунига кўра қўлланиш соҳаси, мулоқот жараёнида мослашиш даражаси, этимологик ва генетик асоси каби тамойиллар асосида когнитив-дискурсив нуқтаи назардан далилланган;

сўз ўзлаштиришнинг бевосита ва билвосита амалга оширилишига ҳамда ўзлаштирувчи тил тизимида сингиб кетишига таъсир этувчи этнопрагматик омил сифатида намоён бўладиган икки тиллиликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги каби ва экплицит ҳамда имплицит намоён бўлиши каби мослашиш даражалари ишлаб чиқилган;

янги ўзлашмаларни тақдим этаётган маданий ахборот мазмунига мос

равишда таржима қилиш учун зарур ҳисобланган калькалаш, муқобил таржима қилиш каби турли усуллар билан транскрипция ёки транслитерация орқали таржима қилиниши мумкин бўлган фактик материаллар мисолида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Халқ сўзи” газетасида қўлланилаётган чет тил лисоний

бирликларининг номинатив вазифаси ва этносемантик асосини аниқлаш бўйича таҳлил қилиш ва тавсифлаш усуллари ўзлашма лексикани ўқитиш амалиётига татбиқ этилган;

газета материалларидан тўпланган мисоллар таҳлили натижасида чет тил ўзлашмаларининг туб ва ясама структур-семантик моделлари ўзига хос сўз ясовчи моделлар сифатида ўзбек тили таълими жараёнига тавсия этилган;

ўзлаштирилган халқаро атамаларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида таржима усуллари танловининг ижобий ёки салбий стратегияси ҳамда семантик деривация тамойилларига тобе ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар ўзбек тили таълимини оптималлаштиришга хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган лисоний материалнинг тадқиқот предметида мувофиқлиги, объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чет тилидан сўз ўзлаштириш ва уни газета матнларида қўллашнинг умумий ва миллий-маданий қонуниятлари публицистик дискурсология ва лингвистик неология соҳаларининг келажакдаги тараққиётига замин яратишда намоён бўлади ҳамда натижалари ўзлашма лисоний бирликларга доир илмий-назарий қарашларни янги маълумотлар билан бойитиши, бу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини бажаришда, хусусан, ўзлаштира бирликларнинг лисоний-маданий кўрсаткичларини белгилашда назарий асос вазифасини ўташи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари филология факультетларида лексикология, лексикография, терминография, сўз ясаиши, стилистика, грамматика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш, махсус семинарларни ташкил қилиш, ўқув-услубий мажмуа, луғат, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда ҳамда диссертация тадқиқотларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган ўзлашмаларнинг таркибий-мазмуний тузилиши, қўлланиш соҳаси ва ясаиш хусусиятларини очиқ бериш, таржима

муаммоларини бартараф қилишга доир тажрибаларга таяниб ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзлашмаларнинг ясалиш қонуниятларини ўрганиш асносида тадқиқот натижаларидан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2007-2011 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф8-062 “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89.03-5228-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек матбуоти, хусусан, “Халқ сўзи” газетаси мақолаларида қўлланилган хорижий ўзлашмаларни таҳлил қилиш, уларнинг ўзбек тилига ўзлашиш қонуниятларини ўрганиш ҳамда уларнинг ясалиш усуллари деривацион муносабатларини ўрганиш имкони яратилган;

қиёсий-типологик таҳлиллар натижаларидан Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус + дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89.03-5228-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек тилига кириб келган хорижий ўзлашмаларни ўрганиш, уларни қўллаш зарурияти/ноўринлигини белгилаш, уларнинг босма ва электрон луғатларини тузиш ҳақидаги фикрлардан, шунингдек, қиёсий тилшунослик соҳасидаги билим-қўникмаларни шакллантириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратиладиган қўлланма, мақола ва тезислар ёзишда тавсиялар берилган;

ўзбек тилига кириб келган хорижий луғавий birlikлар ўзлаштирилиш даври, қўлланиш соҳаси, мослашиш даражаси, генетик асоси ҳақидаги хулосалар Самарқанд давлат университети ўзга тилли гуруҳлар талабаларига фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 89.03-78-сон маълумотномаси). Натижада, чет тил ўзлашмалари генетик асослари, ясалиш қонуниятларини ўрганиш мавзулари ўзга тилли гуруҳларда “Ўзбек тили”, “Давлат тилида иш юритиш”, “Нутқ маданияти” каби фанларни ўқитиш малака талабларига сингдирилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; унинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Четдан сўз олиш назариясининг умумий масалалари”** деб номланган бўлиб, у **“Ўзлашмаларнинг замонавий тадқиқотлардаги талқини”**, **“Ўзлашмаларни таснифлаш имкониятлари”**, **“Чет тил сўзларини ўзлаштириш усуллари”** фасллариини ўз ичига олган. Унда лисоний ўзлашмаларнинг баъзи назарий масалалари, хусусан, уларнинг турли тилларда пайдо бўлиш сабаблари, *лисоний ўзлашма* атамасининг номинатив табиати ва мазмун кўлами тўғрисидаги таниқли тилшуносларнинг қарашлари ўрганилган.

Ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида миллатлараро ва мос равишда, тиллараро алоқалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, тилларнинг асосий жиҳатларидан бири бўлган ўзлаштириш жараёнини фаоллаштиришга олиб келмоқда. Ҳар қандай тилнинг бошқа лисоний тизимлар билан алоқаси тил ривожланишининг ажралмас шарти эканлиги тилшунос олимлар томонидан доимо қайд қилиб келинган. Масалан, Н.Б.Мечковскаянинг фикрига кўра, маълум бир тилнинг генезиси ва унинг бошқа тил тизимлари билан алоқалари қарама-қарши кучлардир; генетик мерос - тилнинг ички структур аниқлигидир; лисоний мулоқот ташқи омил бўлиб, айнан у тилларни кўпроқ ўзгартиради⁹. Ушбу тилшунос сиёсий, ҳарбий, савдо-сотик, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида турли тамаддун ва халқларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳар қандай тилнинг луғат таркиби ўзгарган ва тўлдирилган ҳолда бошқа тилларнинг сўзлари – ўзлашмалар ҳисобига бойитилгани ва бойитилиб боришига урғу беради.

Ўзлаштирилган сўзлар тил шаклланиш жараёнининг ажралмас элементи сифатида, асосан, янги нарсаларни номлаш ёки илгари номаълум бўлган тушунчаларни ифодалаш учун тилда пайдо бўлади. Шундай экан, **“ўзлаштирама”** атамасининг бу жараёнда бажарадиган номинатив функциялари кўлами ҳақида хорижий ва мамлакатимиз тилшуносларининг фикрларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Лингвистик энциклопедик луғатда **“ўзлашма”** атамаси қуйидагича таърифланади: **“Ўзлашма – бу лисоний алоқалар натижасида бир тилдан бошқа тилга ўтган ўзга тилнинг элементи (сўз, морфема, синтактик**

⁹ Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. - М.: Аспект-Пресс, 2000. - 206 с.

конструкция ва ҳ.) ҳамда бир тил элементларининг бошқасига ўтиш жараёнидир”¹⁰.

Л. П. Крисин ўзлашмани “ҳар хил элементларнинг бир тилдан бошқа тилга ўтиш жараёни”¹¹ тарзида таърифлайди. Демак, *ўзлашма* атамаси табиий бир тилдан бошқа тилга ўтадиган сўз ва бошқалар ўзида икки хил маънони мужассам этган: а) бир тилдан иккинчи тилга ўтган тил бирликлари; б) уларнинг бошқа тилга ўтиш жараёнини англатади.

Тегишли илмий адабиётлар билан танишиш экзотизм, ксенизм, варваризм, этнографизм, макаронизм, ориентализм каби номинацияларнинг аралашиб кетганлигини намойиш этадиган эквивалентсиз лексиканинг турларини белгилашда ҳам терминологик чалкашликлар юзага келганини кўрсатди.

Ушбу бобда лисоний ўзлашмаларнинг баъзи назарий масалалари, хусусан, уларнинг турли тилларда пайдо бўлиш сабаблари тўғрисидаги таниқли тилшуносларнинг қарашлари кўриб чиқилди ҳамда ўзлашмалар давр, манба-тил, ўзлашма аспекти, қўлланиш ва ассимиляция даражаси бўйича таснифланди. Кузатиш марказида чет тил сўзларининг ҳам универсал (генетик, хронологик, тематик), ҳам махсус (номинация жиҳатидан, мотивлашганликнинг мавжудлиги/ мавжуд эмаслиги, ўзлаштиришнинг шакли бўйича) белгилар (мезонлар) бўйича таснифлари туради. Яширин ўзлаштиришнинг ҳар хил шакллари англатувчи иккиламчи ўзлаштириш ва семантик калька терминларини фарқлаш зарурати асосланади.

Ўзлаштиришнинг замонавий назариясида ҳар хил турдаги чет тил сўзларини белгилашнинг терминологик тартибга солинмаганлиги ҳали ҳам сезилиб туради. Бу ҳолат, назаримизда, кўп жиҳатдан ушбу сўзларнинг изчил типологияси йўқлиги билан боғлиқ. Тадқиқотимизнинг биринчи бўлимида ўзлашмалар, экзотизмлар, интернационализмлар, варваризмлар, хорижий киритмалар ва бошқаларни ўз ичига олувчи чет тил сўзларининг дарсликдан дарсликка “кўчиб юрувчи” таснифи қатъий эмаслигига, бундай таснифда чет тил сўзларининг турларини ажратиш учун ягона асос йўқлигига эътибор қаратилган эди. Тўғри, тилшунослик фани ривожланишининг турли босқичларида тилнинг луғат таркиби ва ўзлаштирилган лексикани таснифлашга уринишлар турли тиллар, хусусан, ўзбек тили материалида ҳам амалга оширилган¹².

Замонавий лингвистик воқеликлар турли тиллардан янги сўзларни ўзлаштиришнинг тезкор воқеликлари билан ажралиб туради. Ушбу жараённинг жадаллилигига ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатган глобаллашув таъсир кўрсатмоқда. Ушбу тадқиқот доирасида ҳам транскрипция, транслитерация ва калькалаш хорижий лексикани ўзлаштиришнинг асосий усуллари эканлиги исботланди.

¹⁰ Лингвистический энциклопедический словарь 1990

¹¹ Крысин Л. П. Иноязычное слово в контексте современной общественной жизни // РЯШ, 1994 № 6. 56-63 с.

¹² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами – Тошкент: Фан, 1988. – С. 140.;

Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 104 б.

Транскрипция луғат бирлигини ўзлаштиришнинг шундай усулики, унда ўзлаштирилган сўзнинг товуш шакли (баъзан ушбу сўзни ўзлаштираётган тилнинг фонетик хусусиятларига мос равишда бироз шакл ўзгарган ҳолда) сақланиб қолади. Қиёсланг: сейл - sale, бойкот – boycott, ланч - lunch, бакс - bucks, таун-хауз - townhouse ва б.

Транслитерацияда чет сўзнинг фақат имлоси ўзлаштирилади: ўзлаштирилаётган сўзнинг ҳарфлари она тилининг ҳарфлари билан алмаштирилади ва сўз она тилининг ўқиш қоидаларига мувофиқ ўқилади. Ўзбек тилида истифода этилаётган кўплаб инглиз, рус, немис ва французча сўзлар, гарчи ўзбек тилининг қоидаларига мувофиқ ўқилсада, график хусусиятларини сақлаб қолган. Тадқиқот ишимизда транслитерациянинг қуйидаги кўринишлари кузатилди: а) катъий, яъни асл матндаги ҳар бир белгини ўзбек тилидаги фақат битта белги билан алмаштириш: хот-дог - hot-dog, доллар - dollar, лифтинг - lifting; б) аслият матнидаги баъзи сўзларни ўзбек тилидаги иккита ёки ундан кўп белгиларнинг бирикмалари билан алмаштириш: байкер - biker, тинэйджер - teenager, хедлайнер - headliner; в) қисқартирилган, яъни аслият матнидаги баъзи сўз бирикмаларини қисқартирилган тарзда қўллаш: hooligan - хулиган, , chill-out - чилл-аут, shaker – шейкер.

Калькалаш усулида сўз ассоциатив маъносининг таркибий қолипи ўзлаштирилади. Калькалашда ўзлаштирилаётган сўз ёки сўз бирикмасининг таркибий қисмлари алоҳида таржима қилинади ва бирлаштирилади. Бунда уч хил жараён кузатилади: а) чет тил сўзи аниқ таржима қилинади, яъни унинг семантик ва морфологик структураси қайтадан тикланади, структур элементлари эса сўзма-сўз таржима қилинади. Бу усулда чет тил сўзи ўзбек тили учун намуна сифатида қўлланади: hard disk > қаттиқ диск; Microsoft > микро-кичик, soft-юмшоқ; email > электрон+почта орқали юбориладиган нарсалар; hypertext > супер-+матн; online > линияда, алоқада; interface > ўртасида+шахс; domain name > ҳудуд + исм; read only > фақат + ўқимок; б) ўзлаштирилган сўзнинг қисмлари кетма-кет таржима қилинади ёки унинг бир қисми манба тилдан олинади, иккинчи қисми ўзбек тили элементи билан алмаштирилади: screenshot > кесиб ёки қирқиб ташламоқ + расм; spreadsheet > электрон + шакл, бланк; program bug > программа + хато; в) семантик калькалаш, яъни сўз шакли олинмасдан, унинг маъноси ўзлаштирилади: computer > сўзма-сўз: электрон мия; mouse > сичқон + ўлчов асбоблари учун сўз ясовчи элемент; header > бош + ахборот ва б.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзлар**” деб номланган. Унда “Ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг мавзуй гуруҳлари”, “Четдан ўзлашган сўзларнинг ясалиш тамойиллари: префиксация, суффиксация, композиция, аббревиация”, “Ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг генетик асослари” таҳлилга тортилган.

Ўзбек тили тараққиётининг ҳозирги босқичи шу пайтгача номаълум бўлган янги номларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Янги номларнинг аксарияти бошқа тиллардан олинган ўзлашмалар орқали ўзбек

тилига кириб келган¹³. Нутқда уларнинг структур, семантик ва функционал жиҳатлардан воқеланишини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, хусусан, газетанинг ўрни, шубҳасиз, беқиёсдир.

Янги пайдо бўлган номларни ифодалаган лисоний ўзлашмалар газета матнларида икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, улар илмий, иқтисодий, сиёсий тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилиб, илмий-когнитив функция бажаради. Бундай ҳолда улар эмоционал бўёққа эга бўлади ва моносемантик хусусият касб этади. Бу ерда ўзлашмаларнинг вазифаси уларнинг илмий адабиётдаги вазифасига ўхшашдир. Иккинчидан, улардан фақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятда рўй берадиган фактлар тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун фойдаланилади. Бунда ўзлашмалар стилистик функция бажаради. Учинчидан, улар газета матни муаллифининг истак ва ниятларини рўёбга чиқарувчи лисоний восита сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Энди уларга баҳоловчи лингвопрагматик вазифа юкланади. Шу тарзда ўзлашган сўз ёки сўз бирикмалари, худди она тили сўзлари каби газета матнининг у ёки бу турида ишлатилишига, қайси тилдан олинганига қараб турли хил маънони англатиши мумкин.

Ушбу сўзларнинг кўпи она тил лексикасига сингиб кетган ва ўқувчилар томонидан чет тил сўзлари сифатида қаралмайди ва шунинг учун у муаллифдан изоҳ талаб этмайди: *агитация, реформа, экономика, бойкот, фирма, режим, дезинформация*. Бундай хорижий сўзлар ўзбек тилига тўлиқ кириб келган, ўзлаштирилган ва энди ҳеч қандай стилистик белгига эга эмас. Ушбу ўзлашмаларнинг таърифлари (этимологик эквивалентлари)дан эмас, балки уларнинг ўзларидан фойдаланиш газета тилида стилистик жиҳатдан асосли кўринади. Чунки улар тезкор ва аниқ маълумотни узатиш учун зарур бўлган аниқ маънога эга. Тадқиқотимиз натижалари газета тилида чет тил сўзлари ва ибораларидан фойдаланиш, асосан, терминологик функция бажаришини кўрсатади.

“Халқ сўзи” газетаси матнларида ишлатилган ўзлаштирма сўзларни ўқувчи когнитив базасига мос равишда идрок этилиши нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) кўпинча аниқ муқобили ўзбек тилида мавжуд бўлган чет тил ўзлаштирмалари газета матнларида ишлатилади, масалан: *преференция* (имтиёз), *модернизация* (замонавийлаштириш), *конверсия* (алмаштириш, ўзгартириш), *стагнация* (ҳаракатсизлик, турғунлик), *либераллаштириш* (эркинлаштириш), *лицензия* (рухсатнома) ва б.

Мисоллар келтирамиз:

1. Миллий ахборот маконини тобора ривожлантириб боришга қаратилган иқтисодий, молиявий имтиёзлар ва *преференция*лар тизимини яратиш мўлжалланмоқда [24.11.2011¹⁴].

¹³ Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши. Филол. фан. номз дис. автореф. –Тошкент, 1995. – 12-17 б. яна қаранг: Кодирова Н. Семантико-стилистика анализ в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на материале газет и устной речи). Автор. дисс. кан.фил.наук. –Тошкент, 2001

149. Қўзиёв У.Я. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар тадқиқи: Филол фан.фалсафа доктори диссертацияси автореферати. - Фарғона, 2008.

2. Буюк Британиянинг Жагуар компанияси XF русумли автомашина *модернизациялаштирилгани* ҳақида маълум қилди [13.04.2011].

3. Эндиги янги босқичдаги ислохотлар даври, замонавий воқелик ва интилиш ахборот соҳасини *либераллаштириш* жараёнларини янада чуқурлаштиришни талаб қилади [24.11.2011].

4. Патент берилган ғўза навларининг уруғини тайёрлаш, фойдаланиш ва сотиш навни яратган ташкилотларнинг рухсатнома (*лицензия*)си асосидагина амалга оширилади [03.05.1995].

Бундай ўзлашмаларда лексиканинг халқаролаштирилишга мойиллиги кўзга ташланади; 2) ахборот технологиялари, иқтисодиёт, маданият ривожланиши билан боғлиқ, оддий ўқувчига тушунарсиз бўлган ўзлашмалар газета матнларида кўп ишлатилади. Бундай ўзлашмаларнинг ўзбек тилида аниқ эквивалентлари (синонимлари) талаб қилинади, масалан: *провайдер, толлинг, тиар, драйвер, интерфейс, копирайтер, оффиор, плоттер, ребефинг, таймшер, траст, триеннале, флайер* ва бошқалар.

Масалан: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, БМТнинг расмий *сайти* (un.org), шунингдек, sputniknews.uz.com, rt.com, carrentime.tv ва бошқа *порталларда онлайн* тарзда эфирга узатилди. [23.09.2017]. 2. Ушбу кўрсаткич компания сотув *сегментида рекорд* натижа ҳисобланади, маълумотларга кўра, харидорлар, асосан, “Масан” *кроссвери* ҳамда “Panamera” русумидаги 4 эшикли янги *спорткарга* катта қизиқиш билдиришган [15.07.2017].

Тадқиқот ишимизда ўзлашмалар куйидаги мавзуй гуруҳларга ажратилди:

1. **Ўзлашма иқтисодий атамалар.** XXI аср Ўзбекистоннинг глобал жаҳон иқтисодий маконига кириши билан тавсифланади. Шу сабабли иқтисодий терминология алоҳида аҳамият касб этиб, уни ўрганиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги даврда иқтисодиёт атама тизимининг барча аспектлари бўйича турли тиллар материалида тадқиқотлар олиб борилмоқда¹⁵.

Кўпгина иқтисодий атамалар ўзлаштириш самарасидир, чунки жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, энг аввало, газета тилининг лексик таркибида ўз аксини топади, Қиёсланг: аудитор (auditor), адвайзер (adviser), андеррайтер (underwriter), атторней (attorney), биддер (bidder), брокер (broker), диллер (dealer), инжиниринг (engineering), клиринг (clearing), консалтинг (consulting), провайдер (provider), менеджмент (management), нувориш (nouveau riche) ва б. Диссертация ишида бу ўзлашмалар тегишли мисоллар билан кўрсатиб берилган.

¹⁴ Ушбу кўринишда берилган ҳаволалар гап “Халқ сўзи” газетаси ҳақида бораётганини билдиради.

¹⁵ Вайнрайх Э. Ф. Заимствования как отражение русско-английских контактов. Вопросы языкознания, 2002, №4. – с. 96-118; Найдёнова Н.С. Функционирование английских заимствований во французском экономическом дискурсе как отражение национального характера // Вестник РУДН, серия Лингвистика, 2011, № 4. – 25-34 с.

2. Интернет, компьютер технологиялари ва мобил қурилмалар соҳасидаги ўзлашмалар. Электрон почта хизматини кўрсатган Ўзбекистоннинг биринчи компанияси 1992 йили яратилди. 1994 йилда Ўзбекистонда биринчи интернет-провайдерлар пайдо бўлиб, улар бутун интернет, шу жумладан, World Wide Web хизматларини тақдим этди ва харитасида миллий “uz” домени 1995 йил 29 апрелда рўйхатга олинди.

Маълумки, тил лексикаси янги техник шароитларга мослашиш учун доимий равишда ўзгариб туради. Шунинг учун, компьютер оламида ҳам янги кашфиёт, қурилма ёки тушунчаларни номлаш учун янги сўзлар керак бўлади. Жамиятни компьютерлаштириш жуда кўп инглизча сўзларнинг глобал тармоқ орқали газета матнига кириб келишига олиб келди. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида бошқа тил соҳибларига деярли тушунарли бўлмаган кўпгина сўзлар интернет алоқада кенг қўлланилган ва ҳозирги кунда тил стандарт луғатларининг ажралмас қисмига айланган, масалан, қиёсланг: интернет (internet), нет (net), веб (web), веб-сайт (website), файл (file), принтер (printer), сканер (scanner), монитор (monitor), модем (modem), ксерокс (copier), пейджер (page), провайдер (provider), сервер (server), Юзнет (Uznet), дисплей (display), интерфейс (interface), мультимедиа (multimedia), гипертекст (hypertext), роуминг (roaming), е-майл (e-mail), ноутбук (notebook), айпи адрес (IP adres), WWW, онлайн (on-line) браузер (browser) ва б.

3. Спорт соҳасига оид ўзлашма сўзлар. “Халқ сўзи” газетаси матнларида қўлланаётган спорт ўзлашмалари халқаролаштириш тенденциясини юқори даражада намоён этиб беради. Спорт билан боғлиқ лексик бирликлар аслида бошқа тиллардан, биринчи навбатда, инглиз тилидан олинган бўлиб, бундай спорт ўзлашмаларнинг миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Масалан: армрестлинг (arm wrestling), аутсайдер (outsider), бодибилде (bodybuilder), бодибилдинг (bodybuilding), боулинг (bowling), виндсёрфинг (windsurfing), гольф (golf), дайвинг (diving), дартс (darts), допинг (doping), дриблинг (dribbling) ва б.

4. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид ўзлашмалар газета матнларида кўплаб учрайди, масалан: саммит (summit), брифинг (briefing), конгресс (congress), симпозиум (simposium), департамент (department), парламент (parliament), спикер (speaker), регламент (reglament), грант (grant), дайжест (digest), евродоллар (eurodollar) ва б.

Мисоллар: 1. Матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун *сайлов компаниясининг* муҳим босқичларига бағишланган *брифинглар*, матбуот анжуманлари ўтказилмоқда [15.12.2009].

Ижтимоий-сиёсий сўз ва сўз бирикмалари: *инфраструктура* (ишлаб чиқариш жараёнлари ва жамият ҳаёти учун шарт-шароитларни бевосита таъминлайдиган иқтисодий тармоқлар, илмий-техник билимлар, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг мажмуи); *имиджмейкер* (сиёсий ёки жамоат арбоби, актёр. Спортчи учун имидж профессионал тарзда тайёрлаган мутахассис);

(маълум бир масала бўйича ҳукуматнинг позицияси баён қилинадиган матбуот, телевидение, радио вакиллари билан амалдорларнинг қисқа учрашуви); *катальный* (чақалоқ туғилганда бериладиган тегишли маълумот).

Имидж (ингл. image – образ) – 1. Ишбилармон шахс образи, у ҳақда бошқаларда шаклландиган тасаввур, репутация; 2. Фирманинг бозордаги мавқеини, харидорнинг фирма маркасига содиқлигини таъминлайдиган фирманинг, товарнинг, хизматларнинг образи. Кўпинча бу сўзларни газета матнларида ҳам кўриш мумкин.

5. **Фан, таълим, технология соҳасига оид ўзлашмалар:** зум (zoom), кластер (cluster), рақамли код (digital code), коллеж (college), лицей (lyceum), академик лицей (academician lyceum), магистр (master), офшор (offshore), роботлаштириш (robotize), тонер (toner), твиттер (tweeter) ва б.

6. **Медиа, кўрсатув, реклама, санъат соҳасига доир ўзлашмалардан** қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: блок бастер (blockbuster), видео (video), видеотека (video library), видеосалон (video salon), дайджест (digest), кабелли телевидение (cable TV), киноэпопея (film epic), клип (clip), копирайтер (copywriter), параболли антенна (parabolic antenna), пресс-релиз (press release), рақамли телевидение (digital TV), хит (hit), шоу (show) ва б.

7. **Маиший хизмат, озиқ-овқат, таом, косметика ва мода номлари соҳасига оид ўзлаштирмалар** газета матнларида фаол қўлланади. Қиёсланг: кетчуп (ketchup), майонез (mayonnaise), соус (sauce), гамбургер (gamburger), фишбургер (fishburger), чизбургер (cheeseburger), чикенбургер (chickenburger), пицца (pizza). *Сэндвич* лексемаси умумий жинс маъносига эга, синонимик қатордаги бошқа сўзлар эса *сэндвич* сўзининг маъносини аниқлаштиради: гамбургер (ичида бифштекс), фишбургер (балиқ), чизбургер (пишлоқ), чикенбургер (жўжа гўшти); косметика соҳасида консилер, пилинг-крем, вейниш-крем, лифтинг крем, крем-скраб, боди лайн, тестер; фэшн (fashion – мода), фэшн-шоу, фэшн-культура, фэшн-клип, фэшн-сфера ва б.

8. **Транспорт соҳасига оид сўзлар**, масалан, авария (crash), автокар (autocar), лимузин (limousin), парковка (parking), реактив самолёт (jet), stop-over, фривей (freeway), хайвей (highway), чартер (charter) ва б.

9. **Туризм соҳасидаги лексик бирликлар:** апарта-отель, кемпинг, мотель, отель, туроператор, турист, турбаза ва б.

10. **Саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳаларига тегишли сўзлар:** автоматлаштириш (automation), агрофирма (agrofirma), дренаж (drainage), зоогигиена (zoohygiene), зооинженерия (zooengineering), коллектор (collector), механизациялаш (mechanization), модернизация (modernization), ноу-хау (know-how), плантация (plantation), прайс-лист (price list), селекция (selection), сепаратор (separator), сертификациялаш (certification), фермер (farmer), холдинг (holding), электрлаштириш (electrification) ва бошқалар.

“Халқ сўзи” газетасида чет ўзлашмаларининг қўлланишини ўрганиш газета тилининг ёрқин ифодаланган воситалари - инглизча ўзлашмаларнинг устиворлиги билан ажралиб туришини кўрсатди. Газета услубининг вазифаси ўқувчини хабардор қилиш ва унга таъсир кўрсатишдан иборат бўлганлиги сабабли, бунга эришиш учун журналистлар ўз мақолаларида, кўпинча, чет

тил ўзлаштирилган сўзлар нафақат номинатив, балки журналист нутқига долзарблик, жонлилик, ёрқинлик образлилик берган ҳолда лингвопрагматик функцияни ҳам бажаради.

1991-1996 йиллар газета нашрларида мустақиллик даври ўзлашмаларининг 5%ини, 1997-2015 йилларда ўзлашмаларнинг 45%ини ва охириги 2016 йилдан ҳозиргача бўлган вақт оралиғида умумий ўзлашмаларнинг 55%и ўзбек тилига кириб келгани, мустақил шаклда сақланиб қолгани ва халқ орасида қўлланилаётганини кўриш мумкин. Мисол учун, 1997 йилда газетанинг ҳар бир нашрида 5-10 та янги сўз кузатилса, 2017 йилда уларнинг сони 25-30 тага етди. Бунинг устига, 1997 йилда матбуотда қўлланган хорижий сўзларнинг 30% ўзлашган бўлса, 2017 йилда газетада мақолаларда берилган хорижий сўзларнинг 90%и ўзбек тили луғат таркибида сақланиб қолмоқда.

3-жадвал

“Халқ сўзи” газетаси матнларида қўлланган аббревиатураларнинг структур тавсифи

№		Ўзбек графика- сидаги қисқартма	Чет тил графика- сидаги қисқартма	Чет тил бўғинли қисқартма	Ҳарф+ тўлиқ сўзли қисқартма	Жами
1	Информатика, интернет, компьютер	3	3	-	17	23 -38%
2	Иқтисодиёт, молия, банк ва савдо	2	4	2	5	13 –22%
3	Фан, таълим, технология	-	8	2	3	13 -22%
4	Ижтимоий- сиёсий, маданий	-	1	1	-	2 - 3%
5	Саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик	-	4	-	2	6 - 10%
6	Маиший хизмат, озиқ- овқат, косметика	-	-	-	3	3 - 5%

Умуман олганда, “Халқ сўзи” газетасида қўлланган ўзлашма сўзларни ясаиш усулларига кўра, аффиксация (суффиксация, префиксация, парасинтетик шакллар), композиция (сўзларни қўшиш, телескопик ясама сўзлар), конверсия ва аббревиация каби тўртта асосий турга ажратиш мумкин. Ушбу усуллар сўз яшанинг турли хил воситаларини ўз ичига олади, улар орасида формал компонентлар ва уларнинг бирикмалари алоҳида

аҳамият эга. Ушбу дискурсив жараёнда дериватлар ва уларни ҳосил қилувчи таркибий қисмлар иштирок этади.

“Халқ сўзи” газетаси матнларидан олинган 60 та қисқартма сўзнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ўзлашма қисқартмаларнинг 95% и ахборот бериш мақсадида ва 5 фоиз аббревиатуралар бошқа мақсадларда қўлланган. Улардан 38 фоизга яқини информатика, интернет, компьютер, 22 фоизи иқтисодиёт, молия, банк ва савдо, 2 фоизи ижтимоий-сиёсий, маданий, 22 фоизи фан, таълим, технология номларининг қисқартмалари, 10 фоизи саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачиликка оид номларнинг қисқартмалари, 5 фоизи маиший хизмат, озиқ-овқат, косметика соҳасига оид қисқартмаларни ташкил қилади.

Аббревиация усули ва бу усул ёрдамида ясалган ўзлашмалар “Халқ сўзи” газетаси матнининг қулай ва тежамкор усули сифатида намоён бўлади. Ўзлашмаларнинг миқдорий таҳлили асосида аббревиация усулининг нисбати аниқланган (3-жадвал).

Мустақиллик йилларида “Халқ сўзи” газетасида қўлланган ўзлашма лексик бирликларнинг ясалиш усуллари қуйидаги жадвалда акс этган:

4-Жадвал

“Халқ сўзи” газетаси матнларида қўлланган ўзлашма терминлар ясалиш усуллари

Ўзлашма сўзларнинг ясалиш усуллари							
Аффиксация		Композиция		Аббревиация			
Суффиксация	Префиксация	Асл ясамалар	Гибрид ясамалар	Ўзбек графикасидаги қисқартмалар	Чет тил графикасидаги қисқартмалар	Бўғинли қисқартмалар	Ҳарф+сўз моделидаги қисқартмалар
221	124	58	82	5	20	5	30

Диссертациянинг учинчи боби “Мустақиллик йилларида ўзбек тилига кириб келган хорижий сўзлар таржимаси масалалари” деб номланган. Мазкур бобда “Ўзбек тилига кириб келаётган неологизмларни таржима қилиш масалалари: анъаналар ва истиқболлар”, “Халқ сўзи” матнида қўлланган ўзлаштира неологизм-терминларнинг таржима трансформациялари”, “Инглизча неологизм-терминларни ўгиришда калькалаш ва унинг турлари” мавзулари ёритилган.

